

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 5 июль • сешанба № 26 (1022)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.insonvaqonun.uz www.insonvaqonun.adliya.uz

Абу Райхон Бериуний ҳикматлари
Ҳар бир янги нарсанида лаззат бор.

Бугуннинг чорасини кўриб, эртага эҳтиёжи қолмаган киши ақлидир.

Тенглик ҳукм сурган жойда соткин, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.

Улуғ ҳодисалар ҳар вақт юз беравермайди.

Одамлар ёқтирган кишилари тарафини олиб, ёмон кўрган кишиларини таъна қилишадди.

Ёлгончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлгончининг ўзи ҳам севиб мақтайди.

Ҳасад билан ғазаб икки қанот бўлиб ҳаракатга келса, тоза ва чиройли ҳаётларни хира ва кудуратли қилиб юборади.



✓ Тинчлик бўлсин!

Осойишта ҳаётимизни ҳимоя қилиш

ҳар биримизнинг бурчимиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ халқимиз Ватанимизнинг кўп асрлик шонли тарихида мутлақо янги давлат, янги жамият барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа — истиқлолнинг 25 йиллигини "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" деган эзгу гоа асосида муносиб кутиб олиш ва тантанали равишда нишонлашга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Биз учун энг улуғ, энг азиз айём бўлган мазкур сана ҳақида гапирганда, тарихан қисқа даврда босиб ўтган гоят оғир ва мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлимиз, амалга оширган кенг кўламли ислохотларимиз, қўлга киритган улкан марра ва ютуқларимиз кўз олдимизга келади. Айниқса, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, дунёда "ўзбек модели", деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиямиз биз танлаган ривожланиш йўлининг қанчалар тўғри ва ҳаётий эканини исботлаб бермоқда.

Ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида жаҳондаги санокли давлатлар қаторида 8 фоздан кам бўлмасдан келаётгани, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётгани мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салоҳияти тобора ортаётганининг яққол тасдиғидир.



ШХТ: Тошкент саммити



Дунёда Инсон зоти бахтли яшасин дея
Президентлар, вазирлар машваратида берди қўл...
Шаҳарлар, кентлар тугул бузилмасин қуш уя
Замбараклар оғзидан осмонга отилсин гул!

...Озод, обод манзилда бекликнинг ўзи келмас
Гоҳ йиқилдинг, гоҳ турдинг... етдинг пою пиёда.
Ўтаётиб бошингда офтоб ҳам тўхтар бирпас —
Халқим уйинг тинч бўлсин! Бахтинг бўлсин зиёда.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

✓ Адлия минбари

Нотариат институти: ислохот ва истиқболлар

БУГУНГИ КУНДА мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида бозор муносабатлари жадал ривожланиб бормоқда. Бу эса ижтимоий-иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич ҳамда изчил равишда ҳуқуқий тартибга солишни тақозо этади.

Маълумки, Конституциямизнинг 53-моддасига асосан: "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқчилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди".

Конституциядаги ушбу кафолатлар мулквий муносабатларнинг ривожланишига хизмат қилиб, нотариал тасдиқлашни лозим бўлган битимлар тузиш заруратини вужудга келтиради. Ўз навбатида, шартномаларнинг тўғри ва белгиланган қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилиши ҳамда уларнинг вақтида ижро этилишини таъминлашда

нотариат институти муҳим ўрин тутаяди.

Қайд этиш лозимки, нотариат институти жисмоний ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари бўйича малакали юридик ёрдам олиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий низоларнинг олдини олиш, шунингдек, ҳуқуқий муносабатларни ишончли ва тинч йўл билан ҳал этилишини таъминлайди.

Шундай экан, нотариуслар нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш йўли билан фақат низо-сиз бўлган фактларни тасдиқлашларини эътироф этиш жоиз. Чунки нотариал ҳаракатни расмийлаштиришда тарафлар нотариусга ўз хоҳиш-иродаларига кўра ҳамда битимларни тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва белгиланган тўловларни тўлаган ҳолда муружаат этадилар.



Қонун доирасида

Етказилган зарар ундирилди

СУРХОНДАРЁ вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилиш йўналиши бўйича муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, 2016 йилнинг 5 ойи мобайнида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш натижасида 69 та муружаат қаноатлантирилиб, тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Масалан, Термиз шаҳрида фаолият юритаётган "Нодирбек-Амин-Барақа" МЧЖ раҳбари Х.Атажановнинг бошқармага қилган муружаати ўрганилиб, натижада АТБ "Алоқа банк" Сурхондарё филиалига тақдимнома киритилди. Тақдимнома асосида фи-

лиалнинг масъул икки нафар ходимига нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазоси қўлланилди. Бундан ташқари, бошқарма томонидан ўтказилган 82 та назорат тадбири давомида 2957 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган. Мазкур қонунбузилиш

ҳолатлари юзасидан 44 та тақдимнома киритилиб, унга асосан 27 нафар турли идоралар масъул ходимлари интизомий жазобгарликка тортилди. Ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари аниқланган 16 нафар турли идоралар масъул хо-

димларига нисбатан эса тўғридан-тўғри маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённомалар расмийлаштирилиб, мазмунан кўриб чиқиш учун жинойт ишлари бўйича тегишли судларга юборилди.

Масалан, "Деношаргаз" филиалида ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича киритилган тақдимномага асосан, филиалнинг абонент бўлими бошлиғига нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазоси қўлланилди.

Қолаверса, тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвестициялар ишти-

рокидаги корхоналарнинг бузилган ҳуқуқларини суд орқали тиклаш, уларга етказилган зарарни ундириш юзасидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида жами 1 632 602 600 сўмга тенг даъво аризалари киритилди. Даъво аризаларнинг 1 240 352 000 сўмга тенги судлар томонидан кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди ҳамда етказилган зарар ундирилди.

Фарход РУСТАМОВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



Миллий матбуот марказида

29 ИЮНЬ. "Давлат харидларида электрон каталогнинг тугган ўрни ва аҳамияти" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Республика товар-хон ашё биржаси томонидан ташкил этилган тадбирда сузга чиққан мутахассислар Ўзбекистонда электрон давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш мақсадига Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 мартдаги "Ўзбекистон Республика товар-хон ашё биржасининг махсус ахборот портали орқали электрон савдо йўли билан тадбиркорлик субъектларидан энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига мувофиқ 2015 йилнинг 1 июнидан бошлаб биржада янги савдо платформа-электрон каталог тизимини фаолият ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, электрон каталог ўзининг бир йиллик фаолияти давомида давлат харидларини амалга оширишнинг ишончли ва самарали воситаси эканлигини исботлади. Чунки ушбу тизимда ҳам буюртмачи, ҳам товар етказиб берувчиларга қўшимча қўлайликлар яратиб берилди, яъни бир томондан бюджет ташкилотлари учун вақт тежаш имкони берилган бўлса, иккинчи томондан кичик бизнес субъектлари давлат харидларидан янада кенгроқ фойдаланишга муваффақ бўлаётганилари таъкидланди.

30 ИЮНЬ. "Болаларни ёғзи соғломлаштириш ва дам олдириш мавсуми учун белгиланган устувор вази-фалар" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг берган маълумотига кўра, 29 июнь ҳолатига республика бўйича 211 та стационар оромгоҳда 75 минг 896 нафар, 861 та кундузи оромгоҳда 114 минг 253 нафар, жами 190 минг 149 нафар бола соғломлаштирилиб, белгиланган режанинг қарийб, 65,1 фозини бажарилган.

1 ИЮЛЬ. "Республика Шоишлинч тиббий ёрдам илмий марказининг аҳамияти ва бугунги кунда ушбу даволаш муассасаларида энг мураккаб амалиётлар муваффақиятли ўтказилаётгани" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда 2016 йилнинг дастлабки олти ойида Шоишлинч тиббий ёрдам тизимида жами 3,7 миллион нафардан ортқ беморга шоишлинч ва тез тиббий хизмат кўрсатиш, жумладан, 360 минг нафардан зиёд беморга қокори малакали стационар ва 800 минг нафардан ортқига амбулатор ёрдам кўрсатилиб, тез тиббий ёрдам "103" хизмати ва санитар авиация томонидан 3 миллиондан зиёд қаҳриқлар ўз вақтида баҳарилгани айтиб ўтилди.

Мадина ҲАМДАМОВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Эълонлар

Олий малака комиссиясининг 06.05.2016 йилдаги 2-бавномаси ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 12.05.2016 йилдаги 142-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан Адвокатлар палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси хузуридаги Малака комиссиясининг 2016 йил 25 февралдаги 2-сонли қарорининг "ADOLAT-RAHMON" адвокатлик фирмаси адвокати Хайруллоев Абди-саметта нисбатан қабул қилинган "огоҳлантириш" интизомий жазо чораси ўзгартирилиб, Эшон Раҳмат Уринбеёвнинг бошқарма томонидан 05.06.2009 йилда берилган TN 000593 сонли адвокат макomini олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик макомини тугатилади.

Олий малака комиссиясининг 06.05.2016 йилдаги 2-бавномаси ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 12.05.2016 йилдаги 142-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан Адвокатлар палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси хузуридаги Малака комиссиясининг 2016 йил 25 февралдаги 2-сонли қарорининг "ADOLAT-RAHMON" адвокатлик фирмаси адвокати Хайруллоев Абди-саметта нисбатан қабул қилинган "огоҳлантириш" интизомий жазо чораси ўзгартирилиб, Хайруллоев Абдисаметта бошқарма томонидан 05.06.2009 йилда берилган TN 000623 сонли адвокат макomini олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик макомини 6 ой муддатга тўхтатилади.

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 12.05.2016 йилдаги 143-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳардаги "DEFENCE AND VIKTORIA" адвокатлик фирмасининг адвокати Набарева Азиз Файзиковичга бошқарма томонидан 27.08.2013 йилда берилган TN №001704 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва 10.10.2013 йилда берилган 2752-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик макомини тугатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 12.05.2016 йилдаги 145-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳардаги "FOYTAHT" адвокатлар ҳайъатини адвокат Гудков Георгий Владимировичга бошқарма томонидан 22.07.2009 йилда берилган адвокатлик макомини адвокат томонидан ушбу ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилишига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 12.05.2016 йилдаги 146-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳардаги "AL-SIT HUQUQ" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Kambarov Adiljon Ibrohimovich нисбатан суднинг ушбу инжирот содир этишда айбдор деб топил ҳақидаги айблов ҳужуми қонуний кучга кирганлиги сабабли унга 24.02.2015 йилда берилган TN №001887 сонли адвокат макomini олиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг ва 02.07.2015 йилда берилган 3370-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик макомини тугатилади.

Тошкент шаҳар "ODIL KUCH" адвокатлик бюроси адвокати Ким Давид Дмитриевичга 22.11.2012 йилда берилган TN №001617 сонли лицензиянинг амал қилиши бошқарманинг 12.05.2016 йилдаги 147-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан суд ҳужуми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд реабилитация қилини асосларга биноан ушбу инжирот жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар тўхтатилади.

Тошкент шаҳардаги "YUNUSBOB ADVOKATLARI" адвокатлар ҳайъати адвокати Рўзимурод Бақирдин Тўрдумуродовичга 27.07.2015 йилда берилган TN №001943 сонли лицензиянинг амал қилиши бошқарманинг 17.05.2016 йилдаги 150-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан суд ҳужуми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд реабилитация қилини асосларга биноан ушбу инжирот жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар тўхтатилади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 17.05.2016 йилдаги 151-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳардаги "MF-KRONOS" адвокатлик фирмаси адвокати Шерметов Фозилдин Шакарбаевичга бошқарма томонидан 17.02.2016 йилда берилган адвокатлик макомини адвокат томонидан ушбу ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилишига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача тўхтатилади.

Аризасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 18.05.2016 йилдаги 152-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳардаги "PRIVILEGIUM" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Файзураҳманов Ирик Муллаҳमतовичга бошқарма томонидан 01.06.2009 йилда берилган TN №00120 рақамли лицензиянинг амал қилиши ва 15.07.2009 йилда берилган №81-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик макомини тугатилади.

Тошкент шаҳардаги "ADVOKAT-KAFOLAT" адвокатлик бюроси адвокати Kuyubeva Salima Xasanovna 24.09.2014 йилда берилган TN №001828 сонли лицензиянинг амал қилиши бошқарманинг 18.05.2016 йилдаги 153-ш/Т-А-сонли буйруғига асосан суд ҳужуми қонуний кучга киргунга қадар ёхуд реабилитация қилини асосларга биноан ушбу инжирот жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганга қадар тўхтатилади.

Қашқадарь вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 9 июндаги 128-ум-сонли буйруғига асосан Қарши шаҳардаги "Мадад маслаҳатчи" адвокатлар ҳайъати адвокати Сунонов Бердир Маъмулдovichга бошқарма томонидан 2009 йил 19 июнда берилган KS 000034 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда 21-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ва адвокатлик макомини тугатилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда Буюр виллоят адлия бошқармасининг 2016 йил 10 июндаги 202-ум-сонли буйруғига асосан адвокат Ражабов Саматқул Тангри ўлига бошқарма томонидан 2009 йил 4 июнда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи TN №000123-сонли лицензиянинг амал қилиши ва бошқарманинг 2011 йил 14 декабрдаги буйруғига асосан адвокатлик макомини (адвокатлик гувоҳномаси №206, 14.12.2011 й.) тугатилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 10 июндаги 233-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳардаги "AMAN" адвокатлар ҳайъати ва адвокат Гисов Хамза Музаффарович ўртасида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13-моддасига асосан (адвокат томонидан ушбу ошмайдиган муддатда амалга оширилмаган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилишига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунга қадар бўлган давргача) унинг адвокатлик макомини тугатилади.

Қашқадарь вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 9 июндаги 128-ум-сонли буйруғига асосан Қарши шаҳардаги "Мадад маслаҳатчи" адвокатлар ҳайъати адвокати Сунонов Бердир Маъмулдovichга бошқарма томонидан 2009 йил 19 июнда берилган KS 000034 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда 21-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ва адвокатлик макомини тугатилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 15 июндаги 244-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳардаги "ДУМУДЖУ ХА" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Ортиқов Олмас Шукрulloev аснога нисбатан бошқарма томонидан 2009 йил 8 июнда берилган SA 000054-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик макомини тугатилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 15 июндаги 247-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳардаги "SAMARQAND QONUN USTUVORLIGI" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Хантов Бахтиёр Зокирович нисбатан бошқарма томонидан 2014 йил 28 майда берилган SA 000450-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва унинг адвокатлик макомини тугатилади.

Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 24 июндаги буйруғига асосан "EGIDA HUQUQ" адвокатлик фирмасининг адвокати Нарзулова Раҳима Рустамовичга 2014 йил 21 майда берилган SI 000144 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокат макомини тугатилади.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 3 июндаги 25-А-сонли буйруғига асосан Дўстлик туманидаги "Femida z'lyonov" адвокатлик бюроси тугатилиб давлат реестридан чиқарилади ҳамда адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 10 сентябрда берилган адвокатлик тузилмасининг давлат рўйхатидан ўзқилинганлиги тўғрисидаги GZ 000021 рақамли гувоҳноманинг амал қилиши тугатилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13-моддасига асосан "DOMINANT TRUST" адвокатлик бюроси адвокати Уриқбаева Руслан Рустамовичга вазирлик томонидан 2014 йил 4 мартда берилган QR №000162-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик макомининг амал қилиши Қорақалпоғiston Республикаси Адлия вазирлигининг 2016 йил 3 июндаги 165-ум-сонли буйруғига асосан вақтинча тугатилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 16-моддасига асосан "Аймурад Балтабаев" адвокатлик бюроси адвокати Балтабаев Аймурад Бунтбаевичга вазирлик томонидан 2009 йил 15 июнда берилган QR №000038-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик макомининг амал қилиши Қорақалпоғiston Республикаси Адлия вазирлигининг 2016 йил 7 июндаги 166-ум-сонли буйруғига асосан тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси хузуридаги Малака комиссиясининг 2016 йил 7 июндаги 03-сонли қарорига ҳамда Фарғона вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 7 июндаги 216-ум-сонли буйруғига асосан Фарғона шаҳардаги "Фар одил инсон ҳимоятчи" адвокатлар ҳайъати адвокати Исмоилова Хавасон Камилловичнинг лицензиясининг амал қилиши (лицензия 07.07.2010 йил FE №000184, адвокатлик гувоҳномаси №195, 16.07.2010 й.) ва адвокат макомини 6 ой муддатга тўхтатилади.

Наманган вилоят адлия бошқармаси жамоаси Янгиқўрғон туман ФХДБ бўлими мудариси Феруза Хакимоввага акаси **Аскаралли ХАКИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси жамоаси Самарқанд шаҳар 16-сон давлат нотариал идораси нотариуси Бахтиёр Химматовга отаси **Баҳодир ХИММАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси жамоаси Самарқанд шаҳар 16-сон давлат нотариал идораси нотариуси Бахтиёр Химматовга отаси **Баҳодир ХИММАТОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Кулайлик

Видеоконференцалоқа

ҳам вақтни, ҳам маблағни тежайди

БУНДАН икки йил аввал — 2014 йилнинг 2 апрелида "Наманганархитектурилишлойиха" институти масъулияти чекланган жамияти ва "Насафтемирйўлкомплексқурилиш" хусусий корхонаси ўртасида 6-сонли хизмат кўрсатиш шартномаси тўзилди. Унга қўра, наманганлик ҳамкор Қарши шаҳрида бунёд этиладиган 4 қаватли тўрражой биносининг лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш, хусусий корхона эса бунинг учун 45.000.000 сўм ҳақ тўлаш мажбуриятини олди.



Шундан сўнг "Наманганархитектурилишлойиха" институти МЧЖ томонидан шартномавий мажбурият тўлиқ бажарилиб, тегишли лойиха-смета ҳужжатлари тайёрлаб берилди. Аммо "Насафтемирйўлкомплексқурилиш" хусусий корхонаси иш бажарилишидан аввал 6.000.000 сўм аванс тўловини амалга ошириб қолди. Қолган 39.000.000 сўм маблағни тўлашни эса пайсалга солаверди. Хизмат кўрсатувчининг бир неча бор қилган оғзаки ва ёзма мурожаатини ҳам оқибатсиз қолдирди. Орадан бир йил ўтган, шунингдек, "Мазкур лойиха шаҳарсозлик кенгашидан ўтмади", деган вақ билан лойиха-смета ҳужжатларини қайтариб юборган. Бинобарин, "Наманганархитектурилишлойиха" институти МЧЖ Наманган вилоят ҳўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, хусусий корхонадан 39.000.000 сўм асосий қарз ва 19.500.000 сўм пеня ундиришни сўради.

Қолаверса, йўл ҳақи, мөҳмонхона ва бошқа сафар харажатлари учун анча-мунча маблағ сарфлар эди. Тилга олинган янгилик туфайли унинг ҳам вақти, ҳам маблағи тежалди. Суд қарори жавобгарга ҳам электрон тарзда юборилди.

Агар рақамларга назар ташласак, 2016 йилнинг дастлабки чораги мобайнида Наманган вилоят ҳўжалик суди томонидан 80 та ҳўжалик иши видеоконференцалоқа режимида қўриб чиқилди. 112 та ҳўжалик иш бўйича эса бошқа вилоят ҳўжалик судларининг видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказишига қўмақлашилди.

Албатта, ишда иштирок этувчи шахслар биринчи инстанция судидаги каби, апелляция ва кассация инстанцияларида ҳам видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундан ташқари, айни пайтда Олий ҳўжалик судининг ҳайъат ва пленум мажлислири ҳам видеоконференцалоқа режимида бўлиб ўтмоқда. Бу эса Қорақалпоғiston Республикаси ва вилоятлар ҳўжалик судлари вакилларига қўлайлик яратмоқда.

Сарвар РАҲМОНОВ,
Наманган вилоят ҳўжалик суди раиси

Эзгу амаллар ойи

осойишта ҳаёт нашидаси

Хайрулла ТУРМАТОВ,
Тошкент вилояти
Бош имом хатиби:
— ОНА дийримизда тинчлик-омонлик ҳўкм сураётган мана шундай дориламон қунарлар энг улуг, энг азалий қадриятларимиздан бири бўлган муборак Рамазон ойи билан "Инсон ва қонун" газетаси орқали бутун Ўзбекистон аҳлини муборак-бод этаман.

Қадимдан муборак Рамазон ойи меҳмуруват, хайру саховат ва тинчлик-омонлик каби эзгу амаллар ойи, дея эътироф этилади.

Дарҳақиқат, бу ойда жангу жадаллар, одамлар ўртасида гина-қудурат, ғараз ва адоват-бата барҳам берилади. Ислому таълимотида илгари сурилган яхшилик, тинчлик-товуғлик, ўзаро меҳр-муруват ва хайру саховат каби инсоний фазилатлар янада кўчади.

Яратганга шўрки, истиқлол шарофати ва муқтарам Президентимизнинг ташаббуси билан юртимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш, миллий ва диний қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш, буюк аждодларимизнинг бой илҳий ва маданий меросини ўрганиш, тарғиб этиш, муқаддас қадимжорани таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Дунёнинг манаман деган муқаддас жойлари, тарихий обидаларидан ўзига хос маҳобати, чиройи, жозибаси билан ажралиб турадиган, зйбатчилар учун барча қўлайлик ва имкониятларга эга Зангиота зйратгоҳи шулар жумласидандир. "Зангиота" жоме масжидига юртимизнинг турли гўшаларидан, дунёнинг турли бурчакларидан ҳар кун миғлаб одамлар зйратга келади. Ҳамюртларимизнинг юз-қўларига фохр-ифтихор, хоримий меҳмонларнинг қиёфасида эса чексиз ҳайрат ва ҳавасни кўраман.

Алоҳида мамнуният билан қайд этишни истар эдимки, бугун жаннатмақом юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг юзидан ҳаётдан мамнуничлик, хотиржамлик ва розилик ифодаси, тилларидан Яратганга шўкроналик тушмайди. Кўпни кўрган нуруний кексаларимиз эзгу ниятлар билан юртимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик тилаб дуо қилмоқда. Халқимизга хос саховатпешалик, ўзаро ёрдам сингари фазилатларини ўзидан муқаддас этган Рамазон ойини эзгу амаллар билан тинч-хотиржам ўтказибатган юртдошларимиз Президентимиз раҳнамоллигида амалга оширилаётган хайрли ишлардан беҳад миннатдорлигини изхор этмоқда. Инчунин, юртимизда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик ва товуглик муҳити, хайру саховат янада муқтаҳамланмоқда, халқимизнинг турмуш фаровонлиги тобора ошиб бормоқда.

"Инсон ва қонун" мухбири
Фарида ҚОРАҚУЛОВА эъзб олди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамкорлиги: меморандум ижроси

Процессуал қонунларни такомиллаштириш инсон манфаатларини муқтаҳамлашга хизмат қилади

МАМЛАКАТИМИЗДА суд-ҳўқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар қаторида жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш алоҳида ўрин тутайди.

Хусусан, суд муҳокамасини ўз вақтида, қонуний муддатларда ўтказиш, ишларни ҳал этиш сифатига салбий таъсир қилувчи жиддий камчиликларни бартараф этиш судлар олдига турган муҳим вазифалардан биридир. Жиноят ишини судда қўриб чиқишда суд муҳокамасини қонун талаблари асосида ўтказишга, қонуний, асосли ва адолатли ҳўкм чиқаришга таъсир этувчи омилилар аниқланганда, мазкур сабаб ва омилилар бартараф этилгунча қадар иш юриштиш тўхтатиб турилади.

Масалан, Жиноят-процессуал кодексининг 399-моддасига қўра, агар жиноят ишини судда қўриш учун тайинлаш масаласини ҳал қилиш чоғида айбланувчининг яширинганлиги маълум бўлиб қолса, судья ушбу айбланувчига нисбатан ишнинг юриштириш тўхтатиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида аҳрим чиқаради.

Шунингдек, айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд-тиббий экспертиза ҳўлосаси билан тасдиқланган тақдирда ҳам судья айбланувчига соғайгунча қадар ишнинг юриштириш тўхтатиш тўғрисида аҳрим чиқаради.

Таъкидлаш жоизки, жиноят ишини судда қўриш учун тайинлаш вақтида иш юриштириш тўхтатиб туриш судья томонидан яқри тартибда, суд мажлисида яқри тилмаган ҳолда ҳал қилинади.

Жиноят-процессуал кодексининг 420-моддасига қўра, судланувчи яширинган бўлса, шунингдек, судга келишга имконият бермайдиган руҳий ёки бошқа оғир касалликка чалинган тақдирда, суд мазкур судланувчига нисбатан ишнинг тўхтатиш ва бошқа судланувчиларга нисбатан ишнинг муҳокама қилишнинг давом эттирилади.

Борди-ю, ишнинг айрим-айрим ҳолда муҳокама қилиш ҳақиқатини аниқлашни қийинлаштириш, суд иш юриштириш бутунлай тўхтатилади. Яширинган судланувчига нисбатан эса суд аҳрими билан қидирув эълон қилинади.

Шунингдек, судланувчининг оғир касал бўлганлиги туфайли ишнинг қўриш тўхтатиш тақдирда суд унга нисбатан танланган мазкур моддаларда қўрсатилма-

ган бошқа асосларга қўра тўхтатиш ишлар эканлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича қонун томонидан 2014-2015 йилларда жами 539 та жиноят иши бўйича республиканинг бошқа вилоятларида эҳтиёт чораси сифатида қамоқда бўлган ёхуд суд томонидан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ жазоларини ўтатиш 665 нафар судланувчи, гувоҳ ёки жабранувчилар суд аризида асосан этап билан суд мажлисида олиб келинган.

Оқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳўқуқ ислохотларининг мантйий давомии сифатида Жиноят-процессуал кодексининг мазкур соҳага оид нормаларини янада такомиллаштириш, хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 399 ва 420-моддаларига судлар томонидан:

— жазони ижро этиш муассасасида жазо муддатини ўтаётган ёхуд бошқа иш бўйича қамоқда олиб ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қилинган айбланувчи (судланувчи), жабранувчи, гувоҳ ёки бошқа иштирокчи сифатида қатнашаётган шахслар суд мажлисида этап билан келтирилган пайтга қадар иш юриштириш тўхтатиб туриш;

— иш бўйича судланувчи, жабранувчи, гувоҳга нисбатан ёки ишнинг муайян ҳолатига аниқлик киритиш юзасидан турли хилдаги экспертзалар тайинланган, тафтиш, назорат-ўлчов ишларини ўтказиш белгиланган ва жиноят иши материали экспертиза муассасаларига юборилиш ҳолларида, уларнинг ҳўлосаси олингунча қадар ишнинг судда қўриш муддатини тўхтатиб туриш; н назарда тутувчи нормаларни қиритиш максалда мувофиқдир.

Фикримизча, Жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида қайд этилган қўшимчаларнинг киритилиши судларнинг жиноят ишини юриштириш тўхтатишга оид ваколатларини кенгайтиришга, судлар томонидан жиноят ишлари сифатли ва ҳар томонлама атрофчида қўриб чиқилиб, қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилинишига хизмат қилади.

Назорат тартибда протест келтиришнинг амалий ва назарий асослари

МИЛЛИЙ суд қонунчилиги шундан далолат берадики, баъзи ҳолатларда фуқаролик ишини қўриб чиқиш кўп вақтни олади, чунончи битта фуқаролик иш биринчи инстанцияда, апелляция ва кассация инстанцияларида бир неча марта қўриб чиқиши мумкин.

Фуқаролик процессуал кодексининг 348-моддасига қўра, қонуний кучга кирган, апелляция тартибда қўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан қундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан кассация шикоятини берилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Агарда кассация шикоятини ва протест билан мурожаат қилиш муддати 6 ойлик муддатга қисқартирилса, барча муддатларни ҳисоблаганда, кечи билан 6 ой + 20 кун + 1 ой + 20 кун = 8 ой 10 кунда (1 йил 2 ой 10 кун ўрнига) ишнинг кассация инстанциясида мазмунан қўриб ҳал қилиши имконияти яратилади.

Хусусан, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддаси талабида амалда ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган қундан бошланиб 3 йил ичида тараф назорат тартибидаги шикоят келтирилиши мумкин.

Апелляция шикоятини бериладиган қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясини аҳримига нисбатан тарафининг назорат тартибида мурожаат қилиши учун 1 йил етарли.

Лекин кассация инстанциясида қўрилган иш бўйича тараф суд аҳримини кечи билан 8 ой 10 кунда олиши мумкинлигидан келиб чиқсак, Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддасида белгиланган муддатга қўра, тарафда суд қарорини назорат тартибида шикоят қилиш учун 2 йил 3 ой 20 кун вақт бўлади.

Фуқаролик процессида тарафининг шикоятини ишнинг назорат тартибида ўрганиш учун асос бўлади. Агарда, назорат шикоятини билан мурожаат қилиш муддати қисқартирилса, ишларнинг узок муддат — 3 йил ва ундан ортик муддатда қўрилишининг олди олинади.

Вилоят ва унга тенглаштирилган судда кассация инстанциясида иш қўрилганидан кейин амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг талабида тараф дастлаб вилоят суди раисига ёки вилоят прокурорига иш юзасидан чиқарилган суд қарорига нисбатан назорат тартибида протест

келтирилиши сўраб, ариза билан мурожаат қилади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддаси бешинчи қисмига қўра, ариза бир ойлик муддатда, иш талаб қилинганда ва теширилмаган ҳолларида икки ойгача бўлган муддатда қўриб чиқиши шарт.

Шунга қўра, ариза асосида иш ўрганиш қилишиб, тегишли суднинг раёсатига протест киритилган, амалда бир ой ичида вилоят суди раёсатиде қўрилади ва бунга ҳамма бўлиб, (8 ой 10 кун + 2 ой + 1 ой) 11 ой 10 кун вақт талаб қилинади.

Бундан ташқари, Олий суд ва Бош прокуратурасига берилган ариза ва шикоятлар ҳам 350-модда талабларига мувофиқ 1 ой ичиде қўриб чиқилади.

Моҳият

Парламент назорати:

ҳуқуқий асос такомиллаштирилмоқда

ЎЗБЕКИСТОНДА демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида парламент назорати институти олоҳида ўринга эга.

2016 йил 11 апрелда "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеа бўлди. Қайд этиш лозимки, ушбу Қонун парламент назоратига оид қонун ҳужжатларининг ягона тизимини шакллантиришда катта амалий аҳамият касб этди.

мент назорати объекти ва субъектлари, шакллари ҳамда уларни амалга ошириш тартиби, парламент назорати натижалари буйича қабул қилинган қарорларни кўриб чиқиш ва ижро этиш каби долзарб масалалар ўз аксини топган.

лик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) парламент назорати субъектлари ҳисобланади.



Шу билан бирга, Қонунда парламент назоратининг муҳим институти бўлган давлат бюджетини қабул қилишнинг батафсил тартибининг белгиланиши алоҳида аҳамият касб этди.

Юридагилардан хулоса қилиш мумкинки, "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонун олий қонунчилик ҳокимияти фаолиятида янги саҳифани очиб, унинг жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришдаги иштирокини янада кенгайтиради.

Жиноятга жазо муқаррар


Енгил ишнинг этагидан тутган ҳамтовоқлар

ОДАМЗОД ташқи тузилишига кўра бир-бирига ўхшамагани каби, уларнинг феъл-атфори ҳам турлича. Кимдир ҳалоллик билан кун ўтказса, яна кимдир қинғир ишнинг бошини тутиш пайида бўлади.

Фурқат ҳар кун интернет клубда кун ўтказарди. Бу орада ўзига ўхшаган танишлар ҳам орттириди. Фикри бир жойдан чиққан ҳамтовоқлар ўғрилиқ қилишга қарор қилишди.

Кўйиши кераклигини айтади. Фурқат ҳам шу томонга кетаётганлиги сабабли уни ҳам олиб кетишини илтимос қилади. Йўл-йўлакай Фурқат мижоз Олим билан тортишиб, гап талашиб кетади.

Адлия ёрдам берди "Ишонч телефони"га ишонч янада ошди



ий вилоят адлия бошқармасида ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, АТ "Халқ банки" Кармана туманида бўлими томонидан Кармана туманида фаолият юритувчи "Зайтун" МЧЖнинг ҳисоб рақамидagi пул маблағлари кўчириб берилмаётганлигидан норози бўлиб "Ишонч телефони"га қилган мурожаати бошқарма томонидан ўрганиб чиқилди.

Эълон

Table with columns for location (e.g., Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро вилояти) and details of notary services.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: 1. Комиссия номига ариза; 2. Паспорт нусخаси; 3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шиксий варақ;

Хурматли юртдошлар! "Асака" банк

Advertisement for Asaka Bank featuring a globe and a family, with text about the 'Mustaqillik Kuni' holiday and loan services.

Table listing branch locations (Филиаллар) and contact information (Код, Телефонлар) for Asaka Bank across various regions.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

"Асака" банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!